

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2016 йил
17 февраль
ЧОРШАНБА
№ 15 (12859)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ишлаб чиқариш

МАҲСУЛОТ ИККИ БАРОБАР КЎПАЯДИ

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилётгани туфайли ўтган қисқа даврда бу соҳа иқтисодиётнинг муҳим тармоғига айланди.

Ангрен шаҳридаги "Элит керамика" масъулияти чекланган жамияти йилига 5 турда 25 минг дона сантехника бумлари, 6 миллион дона фиш тэйёрламоқда.

— Бу йилга мўлжалланган режаларимиз катта, — дейди корхона раҳбари Шерзод Ёқубов. — Йил бошидан Қозоғистон билан шартнома туздик. Насиб



қилса, экспортни йўлга қўйиши режалаштиряпмиз. Ҳозир корхонада 2 сменада меҳнат қилаётган 84 ходимга барча қўлай шарт-шароитлар яратилган, ишчилар махсус кийим билан таъминланган. Овқатланиш, ювениш хоналари замон талабларига жавоб беради. Хориждан замонавий технологиялар келтирилгани боис, иш унумдорлиги ошмоқда. Шу сабаб сантехника маҳсулотлари ишлаб чиқариши 50 минг донага етказиб, қўшимча иш ўринлари яратиш ниятдаимиз.

Муқаддас ИСРОИЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Мансур НАХЛОН олган сурат.



Муносабат

ФАОЛИЯТИМИЗ РИВОЖИ УЧУН МУҲИМ ДАСТУР

Президентимиз Ислам Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи жойларда кенг ўрганилмоқда

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасига, жумладан, Тошкент вилоятига ҳам алоҳида эътибор ва меҳр билан қарайди. Одамларнинг тақдирини, фарзандларимиз келажагини қалбига яқин олиб, ҳудуд ривожига тўсиқ бўлаётган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш йўлини кўрсатиб беради.

Кечаги сессияда ҳам шундай бўлди. Президентимизнинг "...Тошкент вилоятини мамлакатимиз ҳаётида янада юқори ўринга қўтариш, бу ерда яшашган 2 миллион 770 миңдан зиёд аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини муносиб даражада таъминлаш, айтиш керакки, бугун ҳам, эртага ҳам, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифамиз бўлиб қолади" деган сўзларини ўқиб, ҳаммамиз хурсанд бўлдик.

Юртбошимиз вилоятнинг деҳқон ва фермерларига, барча меҳнаткашларига чуқур миннатдорлик билдириб, ҳосилимиз мўл бўлишини тилаганларидан тўлқинланиб кетдим. Гўё танамда қўшимча куч, елкамда қанот пайдо бўлди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида наслчиликка ихтисослашган "Роҳатой" фермер хўжалигига асос солиб, 30 бош жайдари қорамолни боқувга қўйган эдик. Биласиз, маҳсулот мўл ва сифатли бўлиши учун, аввало, мустаҳкам озуқа базасини яратиш зарур. Ҳа, йиллари эм-хашак етиштириш учун аттиги 10 гектар еримиз бўлган. Ният ва шунга яраша ҳаракат қилсанг, эътибор ва шарафат бўлса, ҳамма нарсага эришиш мумкин экан. Тижорат банкидан 241 минг доллар миқдорда имтиёзли кредит олиб, хориждан 70 бош

насли мол келтирдик. Бунда Юртбошимизнинг шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни қўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариши кенгайтиришга оид Қарори жуда қўл келди. Шунга ҳам етти йил бўлибди. Шу вақт ичида моллар ўзидан кўпайиб, 330 бошдан ошди. Ўтган йили Германиядан 60 бош қорамол олиб келдик. Ҳозир фермадаги моллар 400 бошга етди. Улар Ўзбекистон насли молларининг "Олтин фонди"га киритилган.

Экин майдонимиз қарийб 20 баробар кенгайди. Натижада, ишчиларимизнинг ҳам моддий манфаатдорлиги ошди, турмуш фаровонлиги юксалди. Янги иш ўринлари яратилди. Айни пайтда кунига қарийб тўрт тонна сут, йилига юзлаб тонна гўшт олаёламиз. Бултур умумий даромадимиз бир миллиондан сўми ташкил этди. Бу даромаддан "Сарёва" олдик.

Энг катта ютуғим — Президентимиз Фармонига мувофиқ "Шухрат" медали билан тақдирланганимдир... Бундан 30 йилча аввалги ҳолат кўз олдимдан ўтапти. Сақсонинчи йиллар охири, қолхозда зоотехник эдим. Яйловлар кескин қисқариб борар, ем-хашак етишмаслигидан ҳатто уй хўжалиқлари ҳам мол боқиб қўйналарди. Хуллас, яйловлар қисқариши моллар тўёқ сони камийишига жиддий таъсир қилди. Устига-устак озуқа муаммо, денг. Ветеринария хизмати ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Кўплаб чорва моллари нобуд бўлди. Касаллик тарқалишидан шахсий хўжалиқлар ҳам иқтисодий зарар кўрди.

(Давоми 2-бетда).

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ГЕРМАНИЯ КЛИНИКАЛАРИДА ДАВОЛАНИШАДИ

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий химояга муҳтож аҳоли қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ногирон болаларни соғломлаштиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Кам таъминланган оилалардаги бемор болаларга ижтимоий ва тиббий қўмак беришда барча нодавлат ташкилотлар қатори ушбу фонднинг ҳам алоҳида ўрни

бор. Хусусан, фонд бемор болаларни чет элларнинг нуфузли клиникаларида даволаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш, амалга оширмоқда.

2002 йилда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти биргаликда уч томонлама ҳамкорлик битимини имзолаб, 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни

(Давоми 3-бетда).

Қонун ҳимоясида

МУРОЖААТЛАР ПРОКУРАТУРА ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига ариза, талғиф ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланган. Зеро, бундай мурожаат этиш ҳуқуқи фуқаро ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш халқ ҳокимиятини амалга оширишнинг самарали шаклидир. Шунингдек, талғиф, ариза ва шикоятлар фуқароларнинг шахсий муам-

моларини акс эттирибгина қолмай, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини ўрганиш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ижтимоий адолатни қарор топтиришда муҳим роль ўйнайди. Шу боис мурожаатларни ўз вақтида қонун доирасида қўриб чиқиш, самарали ҳал этиш, мунтазам мониторинг қилиб боришга давлат ва халқ қўлидаги таъминловчи омил сифатида қаралади.

Мурожаатларни ҳал этишда қонунларга қатъий риоя қилиш, мурожаатлар ҳам қонунбузолиши ҳолатини эътибордан четда қол-

дирмаслик, хатоларни тезда тўзатиш чораларини кўриш, мурожаатларни ҳал этишда фуқароларнинг манфаатлари бирламчи-

лиги тамойилига асосан иш юритиш юрtdошларимизнинг давлат органларига ишончини

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ОҚҚЎРҒОНДАГИ АЖИБ САВДОЛАР»

Газетанинг 20 январдаги 7-сонидан юқоридаги сарлавҳа билан эълон қилинган танқидий мақола тумандаги кўпгина савдо шахобчалари эгалари терминалнинг йўқлиги, бузилиб қолгани, таъмирлашга берилгани каби турли баҳоналарни рўқач қилиб, пластик картчалар орқали маҳсулот сотишдан бош тортишаётгани, терминали борлари эса, нақд пулга нисбатан бандароқ нарҳда сотишаётгани хусусида сўз юритилган эди.

Тахририят ушбу танқидий мақола юзасидан "Марказий банк"нинг вилоят бош бошқармаси бошлиғи Б. Отамуродов имзоси билан жавоб хати олди. Унда жумладан, қуйидагилар баён этилган:

"Оққўрғон туманида "Агро банк", "Халқ банк" ва "Микрокредит банк" тижорат банклари филиаллари мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Туманда 400 та савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш ша-

ҳобчалари мавжуд бўлиб, уларга 327 дона савдо терминаллари ўрнатилган. Бундан ташқари, банк филиаллари 2016 йил 1 январь ҳолатига жами 38 минг 802 дона, шундан, "Агро банк" 15 минг 277 дона, "Микрокредит банк" 7803 дона пластик карточка, банк биноси, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шахобчаларига 340 дона савдо терминаллари, шундан, "Агро банк" 73 та, "Халқ банк"и 175 та, "Микрокредит банк" 92 та, шунингдек, 2 та инфокиоскани муомалага чиқарган.

А. Навоий кўчасида 22 та савдо шахобчаси бўлиб, уларнинг 20 тасига савдо терминаллари ўрнатилган, "Халқ банк"и филиали "Мой-бил" трем" хусусий корхонаси ва яққа тартибдаги тадбиркор "Исраилова Зуҳра" савдо дўконларига 2016 йил 22-23 январь кунлари терминаллар ўрнатди.

Тижорат банклари муомалага чиқарган савдо терминаллари орқали "Duet" off line (ушбу пластик карточкалардан терминаллар 200 та тўлов қабул қилади ва алоқа тизими мавжуд бўлган тақдирда жойида савдо картасини инкассация қилиш имконияти мавжуд) ва "uzcard" on line (ушбу пластик карточкалардан терминаллар бевосита он-лайн тизимида ишлайди, тўловлар тўғридан-тўғри савдо терминалининг ҳисоб рақамига кириш қилинади) тизимида ишловчи пластик карточкаларни қабул қилиш имкониятлари мавжуд бўлиб, улар орқали савдо нукталарига ўрнатилган терминалларда зулуксиз тўловлар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда, ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш рағбатлантириш бўйича

Маънавият

Республика Президенти мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида-

ги маърузасида ўтган йил Ватанимиз тараққиоти, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши, халқ ҳаёти даражасининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшгани, ҳосиятли ва баракали бўлганини мамнуният билан таъкидлади.

ЕРИ ҲОСИЛДОР, ОДАМЛАРИ ОМИЛКОР ВОҲА

Чиндан ҳам, 2015 йилнинг баракаси ҳар бир замондошимизнинг ҳаётида, рўзғориде акс этди. Янги йилга катта орзу-умидлар билан, ободлик, фаровонлик сари дадил қадамлар қўйдик. Шундай дориларимиз, фараҳбахш кунлар саодатидан масрурлик вилоятимиз аҳолисининг ҳам чехрасида ёрқин намоён бўлмоқда. Бу гўшани бежизга она диёримизнинг бебаҳо гавҳарига қийсашмайди. Воҳа табиати бетақдор. Тупроғи, суви мусаффо, ер усти ва ер ости бойликлари бисёр, одамлари изланувчан ва омилкор... Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Тошкент вилояти, бошқа минтақалар билан солиштирилганда, ҳосилдор тупроғи, бой минерал-ҳом ашё манбалари, етарли сув захиралари билан алоҳида ажралиб туради. Ҳозирнинг бетақдор иқлими, гўзал табиати ва ҳушманзара масканлари билан ҳар қандай кишининг хайратини оширади".

Яқинда бўлиб ўтган Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам давлатимиз раҳбари вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига юксак баҳо берди. "Тошкент вилояти — оддий вилоят эмас, у авваламбор пойтахт вилояти сифатида мамлакатимизда етакчи макени эгаллаб келади. Қайси соҳа ёки тармоқни олмайлик, бу замин катта имконият ва ресурсларга бой эканини кўра-миз" деган сўзларини тинглаб, вилоятимиз меҳнат аҳли гоё хурсанд бўлди.

Кейинги йилларда ҳудудда кўплаб соҳаларда эришилаётган ютуқлар эътироф этилмоқда. Хусусан, иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган ислохотлар натижалари эътиборга лойиқ. Хусусан, вилоятда 2015 йилда янги худудий маҳсулотнинг ўсиши 6,7 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 22,6, чакана савдо айланмаси 15,2, хизмат кўрсатиш 13 фоиз ўсди. Экспорт бўйича прогноз кўрсаткичи бажарилди.

Вилоятнинг саноат соҳасидаги салоҳиятини изчил ривожлантириш дастурига асосан, кейинги уч йилда 1 минг 50 та лойиҳа

амалга оширилиб, 2 триллион 700 миллион сўм ва 532 миллион доллар миқдорда инвестициялар ўзлаштирилиб, 30 мингга яқин янги иш ўрни яратилди. Жумладан, Пискент туманидаги "Азалея Гармент" хорижий корхонасида трикотаж, Зангиота туманидаги "Азия Trade" кўшма корхонасида фармацевтика маҳсулотлари ҳамда Юқори Чирчиқ туманидаги "Ихтиёр курилиш Файз" масъулияти чекланган жамиятида курилишбоп керамик гишлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қуйи Чирчиқ туманидаги "Улуғ Жаҳон Барака" масъулияти чекланган жамиятида сомондан қоғоз тайёрланаётгани эса, вилоят саноатида чинакам воқеа бўлди. Фаолиятини яқинда бошлаган бўлишига қарамай, жаҳон бозорига чиқишга улгурган кўплаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳақида-ку, гапирмасам ҳам бўлади.

— Чамаси, 2013 йилнинг сентябрь ойи эди, — дея эслади Олмалиқ шаҳридаги "Зартола текстиль" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жўрабек Шарипов. — Корхонамизнинг махсус ҳисоб рақамига хориждан 47 минг АҚШ доллари келиб тушди. Чет элдаги кўплаб товар-ҳом ашё биржаларига ўзи тақлифларимизни юбориб, тайинли жавоб ололмаётган пайтларимиз бўлгани учунми, бундан ниҳоятда севиндик. Чунки, бу ташқи бозор сари қўйган биринчи муваффақиятли қадамимиз эди-да. Корхонамиз кунига қарийб олти тонна полипропилендан калава иплар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Жаҳон саноат тармоқларида бундай синтетик толаларга талаб юқорилиги рост. Лекин, ҳолва деган билан оғиз чучинганидек, маҳсулотингиз сифати, рақобатбардорлиги, ишлаб чиқариш технологияларининг замонавийлиги рисоладагидек бўлмаса, бари бекфойда. Яна маркетинг, менежмент деган гаплар бор. Устига-устак, жаҳон бозори молиявий инқирознинг салбий таъсиридан ҳали-бери қутула олмаётган турган шароитда янги бир маҳсулот билан ташқи бозор эътиборини жалб этишнинг ўзи бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).

"Бир одамнинг орзуси"... Шохруҳ бу куйини аввал ҳам эшитган, кўп эшитган. Лекин ҳеч қачон ҳозиргидек таъсирланмаган. Одатдагидек, дарҳол ижрога қўшилди, куйини кирғойи қилди. Шундай қилмаса, қўнгли жойига тушмайди, юрак ҳовури босилмайди. Машинадан тушиб, қадамни тезлатди.

ИСТЕЪДОД ВАҚТ БИЛАН ҲИСОБЛАШМАЙДИ

Мактабнинг мўъжазгина концертлар залидаги фортепьяно тилга кирди. Клавиш гоҳ ҳазин, гоҳ баланд пардада нола қиларди. Гоҳ нафаси эшитилмай қолар, лекин залнинг саҳни кенг, девори қалин, шифти баланд бўлгани боис наолиси зириллаб турарди. Мусика гўё изтироб чекаётган инсоннинг сўнмас орзу-умидлари ҳақида сўйлар, тингловчи юрагига секин-аста сирғалиб кириб борарди.

Шохруҳ ўзини таоман йўқотиб қўйди. Шу лаҳзада у мусикани эмас, мусика уни бошқарди гўё. Ҳаёл кўзлари билан умрида бўлмаган жойларни яна кўра бошлади: ана, бутун заминни ўраб олган баланд-паст тоғлар. Уни булутларни ёриб осмонга бўй чўзган дарахтарлар, қалин ўрмон... Совуқдан эз жунжақди. Олисдан аллақандай шуъла элас-элас кўзга ташланарди. Чамаси ўттиз ёшлардаги кишининг юришга мажолли етмайди. Силласи қуриган. Ҳозир жуда ҳорғин, худди ишииб кетгандай ҳис қилади. Бор кучини тўлаб ўша ёруғлик томон қадам ташлайди. Атрофда ҳеч зог йўқ. Шамол гувилайди. Кўксига ханжардай санчилади. Юзлари совуқнинг эридан қотиб кетган, қўнмирт тусга кирган. Энди лоақал кўзини очиб ҳам қуввати етмайди. "Гурс" этиб, ерга

(Давоми 4-бетда).

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Авал хабар қилинганидек, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2016 йил 11 февралдаги қарорига мувофиқ жорий йилнинг 13 март куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 27-“Келес”, 33-“Дўстобод” ва 58-“Ниязобод” сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтказилди.

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, шунингдек, вилоят сайлов комиссиясининг мажлис сайловга тайёрларлиги кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасидан келиб чиққан ҳолда тегишли округ сайлов комиссиялари тузилиши ва уларнинг тар-

киблари тасдиқланди. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясига мамлакатда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг Тошкент вилояти кенгашидан бўшаб қолган ўринларга ўтказилган сайловда иштирок этиш ҳақида аризалар келиб тушди. Вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқилди ва барча сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 21, 44-моддаларига мувофиқ қарорда сайловда иштирок этиш сиёсий партияларнинг рўйхати сайлов комиссиясига аризалар келиб тушиши навбатига қараб куйидаги тартибда қайд этилди: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси.

Вилоят сайлов комиссиясининг чора-тадбирлар режасига асосан, эндиликда сиёсий партияларнинг Тошкент вилояти Кенгаши депутатликка номзодлар бўйича маълумотларни тақдим этиши лозим.

Семинар

ТАВСИЯЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими “Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятини йўналтириш ва услубий-амалий ёрдамлар кўрсатиш” мавзусида фонднинг туман ва шаҳар бўлимлари бош мутахассислари учун семинар-тренинг ташкил этди.



Фонднинг шаҳар ва туман бўлимлари бош мутахассислари, илгор тажрибага эга маслаҳатчилар ва фаоллар иштирок этган машғулотларда бош мутахассисларнинг назарий билими ва маслаҳатчиларнинг иш самарадорлигини оширишга эътибор қаратилди. Иштирокчилар 3 гуруҳга бўлиниб, амалиёт машғулотларини ўтказиб, маслаҳатчилар ишини ташкиллаштиришга услубий ёрдам кўрсатишга

Анжуман

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Жорий йил 25 февралда Тошкент шаҳрида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишида сифат ва миқдор ўзгаришлари” мавзусида йиллик конференциясини ўтказиш режалаштирилмоқда. Анжуман ишида қатор давлат ва жамоат ташкилотлари, етакчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий ва халқаро ташкилотлар, шунингдек, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этади.

Мажлис конференциянинг ҳудудий босқичларини 18-22 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ўтказиш мўлжалланмоқда. Хусусан, 19 февраль куни Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилояти ҳудудий бўлимининг “Тошкент вилоятида фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқ-

Муносабат

Бундай ноҳус ҳолатнинг олдин олиш зарурлигини кўпчилик мутаассадилар унутиб қўйганди гўё. Энг ачинарлиси, аҳолининг бошқа озик-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ҳам айтарли қондирилмасди. Шундай оғир вазиятда республикамизга энди раҳбар бўлиб келган Исом Каримов бу масалани зудлик билан ҳал этиш зарурлигини, бундан бўёғига эскича яшаб бўлмаганини энг қорчи минбарларда баралла айтиб, ҳар томонлама пухта ўйланган режаларни кун тартибига қўйди. Ва гаплардан одамларнинг кўнглида эртанги кунга умида учкунлари пайдо бўла бошладилар...

Мустақиллик шарофати, давлатимиз раҳбарининг узоқни кўлаб амалга ошираётган (Давоми. Боши 1-бетда).

ФАОЛИЯТИМИЗ РИВОЖИ УЧУН МУҲИМ ДАСТУР

Сессияда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бирламчи қайта ишлаш даражасида сотилаётгани оқибатида катта миқдорда қўшимча даромад олиш имконияти бой берилётгани танқид қилинди. Бу сўзлар мен учун ҳам катта танбех, сабоқ бўлди. Пойтахтимиз билан ёнма-ён яшаб, барча имкониятларга эга бўла туриб бундан фойдаланмаслик, очигини айтганда, уят.

Президентимиз бунинг учун нималар қилиш кераклигини ҳам белгилаб берди. Ташаббус ва яна бир бор ташаббус кўрсатиш, тадбиркорлик ва илмуноҳлик билан яшаш, тараққий этган давлатлардан энг замонавий технологияларни олиб келиб, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, чиқарётган тайёр маҳсулотларимизнинг сифати ва рақобатдошлигини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи барча соҳа вакиллари, хусусан, биз фермерлар зиммасига улкан масъулият ва вазифалар юклайди. Ишимизни ташкил этиш, самарадорликни янада оширишда йўл кўрсатувчи муҳим дастур бўлади.

Жўра МАҲАМАТОВ, Зангиота туманидаги “Рохатой” фермер ҳўжалиги раҳбари. Ў.А.

Жўра МАҲАМАТОВ, Зангиота туманидаги “Рохатой” фермер ҳўжалиги раҳбари. Ў.А.

Жўра МАҲАМАТОВ, Зангиота туманидаги “Рохатой” фермер ҳўжалиги раҳбари. Ў.А.

Жўра МАҲАМАТОВ, Зангиота туманидаги “Рохатой” фермер ҳўжалиги раҳбари. Ў.А.

Жўра МАҲАМАТОВ, Зангиота туманидаги “Рохатой” фермер ҳўжалиги раҳбари. Ў.А.

Жўра МАҲАМАТОВ, Зангиота туманидаги “Рохатой” фермер ҳўжалиги раҳбари. Ў.А.

Жўра МАҲАМАТОВ, Зангиота туманидаги “Рохатой” фермер ҳўжалиги раҳбари. Ў.А.

Маънавият

ЕРИ ҲОСИЛДОР, ОДАМЛАРИ ОМИЛКОР ВОҲА

Яхшики, бахтимизга “Тадбиркорлик фаолиятини йўлга тўсиқ қўйиш, унга қарши чиқиш – бу давлат сиёсати”, Президент сиёсатига қарши чиқиш, деб баҳолашни керак. Буни қайси лағзимда ўтирганидан қатъи назар, барча мансабдор ва маъсул раҳбарлар қулгоғига қуйиб олиши шарт”, деб тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган Президентимиз бор. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йили қабул қилинган Қарори асосида юртимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Экспорт юзасидан ёрдам сўраб худди шу жамғармага мурожаат қилдик. Хуллас, унинг амалий ва ҳуқуқий ёрдами билан жаҳон бозорига чиқдик. 100 миң долларлик маҳсулот сотдик.

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигининг барча йўналишларини тубдан тақомиллаштириш ҳамда иш юртишнинг илгор услубларидан самарали фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларнинг эмин-эркин ишлаши учун яратилаётган қулайликлар пойтахт вилоятида ҳам юксак самаралар берапти.

Дехқонларнинг манфаатдорлиги ортиб, аҳоли турмуш даражаси йилдан-йилга юксалаётир. Маҳсулот етиштириш ва уни қайта ишлаш тизими ривожланмоқда. Меҳнати рағбатлантирилаётган миришкорлар пахта, галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, эл-юртимиз дастурхонини таъминлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётир. Биргина ўтган йили 2 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 400 миң тонна картошка, 200 миң тоннадан зиёд мева, қариб 170 миң тонна узум етиштирилгани бунга мисол.

Мухтасар айтганда, булар биргина вилоятимизда сановат ҳамда аграр соҳаларда инсон, унинг манфаати ва бахт-саодати йўлида амалга оширилаётган ишлардан айрим мисоллар, холос. Воҳа инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилган алоҳида эътибор бундан-да юксак.

Бахтиёр ШАВКАТОВ. (Давоми. Боши 1-бетда).

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 11 ва 44-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 27-“Келес”, 33-“Дўстобод” ва 58-“Ниязобод” сайлов округлари қуйидаги тартибда тузилинди: 27-“Келес” сайлов округи Маркази: Келес шаҳри туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази биноси Худудий чегараси: Зангиота туманининг бир қисми, Келес шаҳри, Кўктерак, Чувалчи қишлоқлари. Сайловчилар сони – 39431 Сайлов участкалари сони – 14 33-“Дўстобод” сайлов округи Маркази: Куйи Чирчиқ қурилиш ва уй-ҳой коммунал ҳўжалик касб-хунар коллежи биноси Худудий чегараси: Куйи Чирчиқ ту-

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12 ва 44-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 27-“Келес”, 33-“Дўстобод” ва 58-“Ниязобод” сайлов округлари депутатлигига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари қуйидаги тартибда тузилинди: 27-“Келес” округ сайлов комиссияси Комиссия раиси: Абдуллаев Каҳар – туман ДСЭНМ бўлим мудири Комиссия раиси ўринбосари: Мирзаева Озода Султонмуродовна – туман ДСЭНМ дезинфектори Комиссия котиби: Хаитова Санталат Абдурашуловна – “Уч сада” МФЙ котибаси Комиссия аъзолари: Омонова Фароғат Салимовна – туман ДСЭНМ дезинфектори Имамова Шаҳноза Раҳимжановна – туман ДСЭНМ врач-эпидемиолог ёрдамчиси Зулфикориев Дostonбек Ровшанбек ўғли – туман ДСЭНМ врач-эпидемиолог ёрдамчиси Маҳмадова Умида Ташпулатовна – туман ДСЭНМ лаборатория бўлими лаборанти Ибрагимов Эркин Ниятович – туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳисобчиси Аббосова Маҳфуза Гафаровна – туман ДСЭНМ дезинфектори Округ сайлов комиссиясининг маънавий раҳбари: Зангиота тумани, Келес шаҳри, “Уч сада” МФЙ, Бирламчи кўчаси, 19-уй. Телефон: (0-370) 96-56-076. 33-“Дўстобод” округ сайлов комиссияси Комиссия раиси: Акбутаев Анвар – Куйи Чирчиқ қурилиш ва уй-ҳой коммунал ҳўжалиги ҚХҚ касба уй-шамаси раиси Комиссия раиси ўринбосари: Маликова Гулжамияла – “Ибрат” МФЙ маслаҳатчиси Комиссия котиби: Каржаулова Клара Усеровна – “Навқирон” МФЙ котибаси Комиссия аъзолари: Утешова Раъно Маҳмамовна – 8-маҳсул МТМ ўқитувчиси

Қонун ҳимоясида

МУРОЖААТЛАР ПРОКУРАТУРА ЭЪТИБОРИДА

мустаҳкамлайди. Шунингдек, республика Бош прокуратурасида 2015 йил 1 июндан “Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази” ташкил этилиб, йил охирига қадар вилоят прокуратураси органларида электрон шаклда жами 1879 та мурожаат тушди ва улардан 1717 таси кўриб чиқилиб, шундан 278 таси қаноатлантирилди. Урганишлар маҳаллий ҳокимлик, давлат бошқаруви, назорат-тектирив ва ҳуқуқий муҳофиза қилувчи ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахслари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда қўллаб қонунбузилишига йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, фуқаро Ш. Холдоронинг Зангиота тумани давлат солиқ инспекцияси ходими Д. Мусаев ундан солиқ ва бошқа тўловлар учун 474 миң сўм пул олиб, банкка топширган, ўзлаштириб юборгани ҳақидаги мурожаати кўриб чиқилиб, натижада 1879 та мурожаат нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 43-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Фуқаро Р. Иброҳимовнинг мурожаати га асосан, вилоят прокуратураси аралашуви билан Оқўрғон тумани ҳокимининг 2015 йил 7 октябрдаги қарори билан узум деҳқон ҳўжалиги ташкил этиш учун 0,30 гектар ер майдони ажратиб берилиши таъминланди. “Шохсанам Малка Асл Бўстони” масъулияти чекланган жамиятининг пул маблағларини кечиктириб ўтказишга йўл қўйгани учун “Ипотека банк” Оҳангарон филиали ходимлари Ж. Абдувалиев ва Р. Эрматов интизомий жавобгарликка тортидилар. Фуқаро Н. Нормуродовнинг мурожаати га асо-

корлигида “қўшма қабул кунлари” тадбири ташкил этилиб, уларнинг амалга оширилиши ва улар ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситалари ва тегишли идораларнинг веб-сайтларида кенг ёритиб келинмоқда. Хусусан, 2015 йилда ўтказилган қўшма қабулларда 4889 фуқаро турли мазмундаги мурожаатлар юзасидан қабул қилиниб, шундан 582 нафарининг мурожаатлари қаноатлантирилди. Масалан, Пискент туманида ўтказилган қабулда фуқаро З. Кенжаевнинг туманда деҳқон ҳўжалигини ташкил этиш учун 0,35 гектар ер майдони ажратилишига амалий ёрдам бериш ҳақидаги мурожаати асосида унга ер ажратиш ҳақида туман ҳокимининг қарори қабул қилиниши таъминланди. Бекобод шаҳрида яшовчи А. Гафуровнинг фарзандини ишга жойлаштиришда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати қондирилиб, “Бекободцемент” АЖга ишга жойлаштирилди. Шу билан бирга “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун ижроси ҳамда жисмоний ва юридик шахслар вакиллари қабулини ташкил этишнинг аҳоли давлат бошқаруви органлари ва уларнинг қуйи тизимларида, на-

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

GERMANYA KLINIKALARIDA DAVOLANIŞADI

даволаш ва реабилитация қилиш билан шуғулланмоқда. 2002-2016 йиллар давомида ушбу ҳамкорлик битими доирасида 300 дан ортиқ ўзбекистонлик болалар тери куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари нуқсонлари ва бошқа ташхислар билан Германиянинг нуфузли клиникаларида даволанди.

Ушбу халқаро ташкилотнинг грант маблағи ҳисобида 2015 йил давомида республикада туғма лаб-танглай нуқсонли 166 ногирон бола 25 миллион 448,8 минг сўм маблағ сарфлаб жарроҳлик операцияси билан даволанди. Туғма оёқ нуқсонли бор ва бўйин қийшиқ 226 бемор бола ҳам операция қилинди. Ушбу жарроҳлик амали учун 30 миллион 475 минг сўм сарфланди.

Бугун Тошкент халқаро аэропортидан 11 бемор бола Германия клиникаларида даволаниш учун фонд вакили ҳамроҳлигида жўнаб кетди.

(Давоми. Боши 1-бетда). **Ўз мухбиримиз.**

Мамлакатхон хонадонидagi жанжал кудасининг ҳам кулоғига етди. – Қизингиз ўқишни, иш-юмушни бахона қилиб, Иззатиллани эмизшни истамаяпти. – деди Мамлакатхон куюниб.

– Тўғрида, ҳали ўқиш, ҳали уй ишлари, бола эмизшига қачон вақт топсин? Ҳозир нима кўп, турли фойдали моддалар билан бойитилган сутлар кўп. Иззатиллани шунга ўргатиш керак. Сизга ҳам, келинчигизга ҳам осон бўларди, – деди куда қизини ҳимоя қилиб.

Кудасига гапиришининг фойдаси йўқлигини пайкаган Мамлакатхон: “Она сутини эммаган бола касалликларга чидамсиз бўлади-да”, деди ўзига-ўзи.

Оналик бахти насиб этган ҳамма аёллар зурриётини кўркак сутти билан боқишдан роҳат топавермайди. Ўз ҳузур-халоватини ўйлайдиганлар кўркак сутти ўрнини боса олмайдиган бошқа воситалардан фойдаланишади. Натижада, мураккаб вужуд турли касалликларга тез-тез чалинадиган бўлиб қолади.

Мутахассислар фикрига қўра, гўдак туғилганда онада оғиз сутти ҳоли бўлиб, у оксигил ва турли витаминларга бойлиги билан болада кучли, ҳатто саратонга ҳам қарши иммунитет ҳосил қилар экан.

Иммунитет лотинча сўз бўлиб, бирор хавфдан озод бўлиш, ҳимояланиш деган маънони англатади. Иммун тизим одам танасидаги юрак қон-томир, ўпка, ошқозон-ичак ва бошқа аъзолар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий вазифаси микроб каби зарарли моддаларга қарши курашишдир.

– Бола иммунитетининг мустаҳкам бўлиши, кўркак сутига тўйинишига боғлиқ, – деди неонатология соҳаси бўйича виллоят бош мутахассиси.

МЕХР ЧАШМАСИ



Наргиза Тўхтаева. – Чунки она сутти таркибидagi лактоферрин моддаси иммунитетни тўри шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Лактоферрин бола жисми учун зарур бўлган фермент ажратди. Шунингдек, гўдак ўзига керакли антителаларини ҳам айнан она сутидан олади. Бу эса боланинг фаоллигини оширади. Айниқса, дастлабки 6 ойда бола жуда нозик ва таъсирчан бўлгани сабаб, она сутти ташқи хавфдан ҳимоялайди.

Бирок, шунингдек, кўркак, она сутининг таркиби ҳам катта аҳамиятга эга. Бунинг учун эмизлик аёл гўш, сут ва балиқ маҳсулотлар, мева, сабзавотларни мунтазам истеъмол қилиши лозим.

Дарҳақиқат, она сутининг баҳоси йўқ. Зеро, буюк мутафаккир бобомиз Абу Али ибн Сино она сутини қуёш нурига қийслаб: “Ер

юзидagi барча тирик мавжудот учун қуёш нури қанчалик зарур бўлса, ўсаётган бола учун ҳам она сутти шунчалик муҳим” дея таъкидлаган. Шунинг учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда қўлпаб давлатларида болани кўркак сутти билан боқишининг афзалликлари тарғиб қилинапти.

Еш оналар, туғуруқ ёшидаги аёллар ўртасида олиб борилган тарғибот-ташвиқот натижасида виллоятимизда туғилаётган чақалоқларнинг 98 фоизи 1-1,5 ёшгача она сутти билан боқилапти. Бу турли аллергия, шу билан бирга эотил-диарея, диарея каби касалликларни камайтирапти. Бундан ташқари, ҳар йили 120 дан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари ва шифокорлар кўркак сутти билан боқиш бўйича мустахкам бериш курсларида ўқитил-

моқда. Натижада, гўдакларни сунъий сутлар билан боқишининг олди олинапти.

Маълумотларга қўра, сунъий сут ичиб улғайган болада юрак қон-томир хасталиклари, хафакон, атеросклероз, рухий касалликларга чалиниш эҳтимоли она сутти билан боқилганларига нисбатан 30-40 марта кўпроқ қайд этилмоқда. Шунингдек, сунъий сут ичиб катта бўлган қизлар дунёга келтирган фарзандлар меъридан кам ваъза бўлишлари ҳам она сутига эътиборни янада кучайтиради.

– Тўғрида, она сутти болани ошқозон-ичак, нафас ва сийдик йўллари, қулоқ-бурун инфекцияларидан сақлаш билан бирга ақлий салоҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, – деди Н. Тўхтаева. – Бундан ташқари, эмизшининг аёллар соғлиғи учун нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслик керак. Эмизши аёлда саратон хасталиғи, кўркак сутти билан болани боқмаслик ёки эмизши даврининг қисқа бўлиши натижасида юзга келадиган мастопатия касаллигининг олдини олади.

Ҳомилдорлик даври ва туғуруқ жараёни, эмизши давомида она жисми буткул янги ҳолатга мослашиб, гармонал жиҳатдан қайта тикланади. Моддалар алмашинуви жадал кечгани боис онанинг жисмоний ва руҳий ҳолати яхшиланади. Аёл ўзини руҳан тетик ва бардақ сезади, оила аъзоларига нисбатан меҳр-муҳаббати ортади.

Ирода НОРБОУЕВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири.

Пири бадавлатларимиз

90 ёшдан ошган Зангиота қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳомид ота Йўлчиев яқин-яқингача велосипедга юрардилар. Чунки велосипед ҳайдаш саломатлик учун қони фойда эканини билардилар. “Агар Иккинчи жаҳон уруши асоратлари бўлмаганида велосипедни ҳамон ҳамроҳ қилиб, қариликка сира бўй бермасдим”, дейдилар отахон ярим ҳазил, ярим чин.

ҲАЁТЛАРИ ИБРАТ, СЎЗЛАРИ ҲИКМАТ



Иккинчи жаҳон уруши жангдоғларида қон кечиб, то Берлингача етиб борган Ҳомид отанинг кўксини тўлдириб турган орден ва медаллар уларнинг жасоратидан сўзлайди гўё. Урушдан кейин отахон қишлоқда узок йиллар хат ташуви бўлиб ишлади. Ҳар кун велосипедда йўлга тушар ва қишлоқдоғларига газета-журнал, хат-хабарлар маҳалла пенсия пулларини вақтида элтиб берадилар.

– Бир кун ибратимизда қандайдир тугун пайдо бўлди, кейин у катталашди, – деб ҳикоя қиладилар отахон. – Йўқ бўлиб кетар дейман-у, ҳадеб пайпаслашверман деген. Бир кун ёрилиб кетди ва ичидан снаряд парчаси чиқди. Баданимда бу каби зарарлар ҳали анча. Уларни уруш давридан бери кўтариб юрибман.

Ҳар бир сўзини чертиб-чертиб гапирадиган отахон билан қанча суҳбатлашсангиз, шунча дунёқарашингиз кенгайиб, маънавиятингиз бойийди. Шу сабабли, маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган “Ораста қизлар” тўғрага аъзолари тез-тез отахон ҳузурига келиб, унинг ҳикмати тўла сўзларидан баҳраманд бўладилар ва ўрганганларини маҳалладаги тенгдоғларига ҳам гапириб берадилар.

Ўтмиш хотираларини янглишмай эслайдиган отахоннинг теъкор замонамиздаги ўзгариш ва янгиликлардан хабардорлиги ҳавасингизни келти-

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири.
Даврон АХМАД
олган сўради.

Қонун ва ижро

ЯНАДА ЕНГИЛЛАШДИ

Мамлакатимизда тадбиркорликни янада жадал ривожлантириш учун улар зиммасидаги солиқ юк мунтазам камайтирилиб, енгилликлар яратилмоқда. Жумладан, 2016 йилда Тошкент вилоятида ҳам ҳукумат томонидан кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

“Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги мунсабатидан Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун ва Президентнинг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетди параметрлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларга асосан 2016 йилда айрим солиқ ставкалари пасайтирилди. Жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ ставкаси 2015 йилдаги 6 фоиздан 5 фоизга пасайтирилди. Божхона рас-

миёлаштируви бўйича хизматлар божхона брокерлари учун ҳам ягона солиқ ставкаси 1 фоизли пунктга пасайтирилди, 5 фоиз қилиб белгиланди.

Мазкур меъёрлар бўйича ягона солиқ ставкасининг камайиши ҳисобига вилоят бўйича 3,6 млрд. сўмдан зиёд маблағ микрофирмалар ва кичик корхоналар ихтиёрида қолди қўйилмоқда. Бу маблағлар ушбу корхоналарда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнига янги ва замонавий технологияларни жорий этиш орқали ўз фаолиятини янада кенгайтириш имконини яратди.

Лобар АЗАМАНОВА,
виллоят Давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси.

Сўраган эдингиз...

«ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ» НИМА?

Кўчмас ва кўчар мол-мулкларни ҳадея қилиш тартиби, “Ҳадея шартномаси” тўғрисида қисқача маълумот беришнинг илтимос қиламан.

Зулмуҳоммад ЭРГАШЕВА,
Юқори Чирчиқ тумани, Жумабозор қишлоғи.

– Ҳадея шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадея қилувчи) бошқа тараф (ҳадея олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки ўзининг шахсига нисбатан мулк ҳуқуқи (талабини) беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ўзининг шахс олдидagi мулк мажбуриятдан озод қилади ёкини озод қилиш мажбуриятини олади.

Ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганда ё бўлмаса, муқобил мажбурият мавжуд бўлганда шартнома ҳадея деб тан олинапти.

Бирор шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга бериш ёки бирор шахснинг мулк мажбуриятдан озод этишнинг ваъда қилиш (ҳадея этишнинг ваъда қилиш), агар ваъда те-

гишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулк ҳуқуқини текинга бериш ёки уни мулк мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳадея шартномаси деб тан олинапти.

Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулк мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳадея нарсасини аниқ кўрсатмай, ўзининг мол-мулк кини ёки мол-мулкнинг бир қисминини ҳадея этишнинг ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Ҳадеяни ҳадея олувчига ҳадея қилувчининг вафотидан кейин топширишнинг назарда тутилган шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Бундай ҳадеяга нисбатан ушбу Кодекснинг ворислик тўғрисидаги қоидалари қўлланади.

МЕРОСДАН ВОЗ КЕЧИШ ҲУҚУҚИ

Меросдан воз кечиш ва кейинчалик бекор ёки қайтариб олиш тартиб-қоидалари қонунда қандай белгиланган?

Пардағул АЙТМЕТОВА,
Юқори Чирчиқ тумани, Йўкота қишлоғи.

– Меросхўр ўзининг ворисликка қақдрилгани билан ёки билиши лозим кундан кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли. Узрли сабаблар бўлган тақдирда бу мuddат суд томони кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.

Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади. Агар ишончсиз вакил орқали меросдан воз кечиш вақолати махсус назарда тутилган бўлса, меросдан шу тарзда воз кечилиши мумкин.

Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас. Меросхўр меросдан воз кечиш учун ўзига берилган мuddат ўтганидан кейин бундай ҳуқуқни йўқотди. Агар меросхўр мерос қолдирилган мол-мулкни ағаллашга амалда қиришган ёхуд уни тасарруф этган ёхуд ўзининг она шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун муурожаат этган бўлса ҳам, меросдан воз кечиш ҳуқуқини кўрсатилган мuddат ўтмасидан оқ йўқотди.

Саволларга Юқори Чирчиқ тумани Давлат нотариал идораси нотариуси Мухаббат ҲАМИДОВА жавоб бериди.

ЭЪЛОНЛАР

“AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 5 март кунини соат 12.00 да бошланғич баҳоси охири бериш тартибидa ўтказиладиган “Очиқ аукцион” савдосига Қуйи Чирчиқ тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар нархи арзонлаштирилган ҳолда тақдоран қўйилмоқда: ЖИБ Янгийул туман судининг 19.03.2012 йилги 2883/5-сонли ижро ҳужжатига асосан Қуйи Чирчиқ тумани, Кетмонтепа ҚФЙ, Чақмоқ қишлоғида сақланаётган, бошланғич баҳоси 5 758 965 сўм 95 тийин бўлган, 2002 йилда и/ч, д/р 10M995EA, “Волга ГАЗ-3110” р-ли ав-на; ЖИБ Оққўрғон туман судининг 23.12.2013 йилги 01-472-2013 ижро ҳужжатига асосан Қуйи Чирчиқ тумани ИИБ ЙХБ жарима майдончасида сақланаётган, бошланғич баҳоси 8 024 064 сўм 30 тийин бўлган, 1990 йилда и/ч, д/р 10N688EA, “ВАЗ-2108” р-ли ав-на; 2016 йил 25 март кунини соат 12.00 да бошланғич баҳоси охири бериш тартибидa ўтказиладиган “Очиқ аукцион” савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 1. Бўстонлиқ тумани

СИБ томонидан хатланган Бўстонлиқ тумани, Фазалкент-2 “Мариям текстиль сервис” МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: ЖИБ Паркент тумани судининг 19.11.2015 йилдаги 1-331-2015-сонли ижро вақолатига асосан, бошланғич баҳоси 4 370 040 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч, д/р 10S914LA, “ГАЗ-53” р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент виллоят Паркент туман судининг 18.12.2015 йилдаги 1-349-2015-сонли ижро вақолатига асосан, бошланғич баҳоси 11 398 441 сўм 80 тийин бўлган, 1994 йилда и/ч, д/р 01U936OA, “Доган” р-ли ав-на; 2. ЖИБ Тошкент виллоят, Юқори Чирчиқ туман судининг 14.08.2015 йилдаги 1-301/15-сонли ижро вақолатига асосан, Паркент туман СИБ томонидан хатланган, Паркент туман СИБда сақланаётган, бошланғич баҳоси 26 514 416 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч, д/р 10E034MA, “Лесетти” р-ли ав-на; 3. ЖИБ Тошкент виллоят, Ангрэн шаҳар судининг 20.10.2015 йилдаги 1-584/2015-сонли ижро вақолатига

асосан Ангрэн шаҳар СИБ томонидан хатланган, Ангрэн шаҳар ИИБ ЙХБ жарима майдончасида сақланаётган, бошланғич баҳоси 10 435 341 сўм 5 тийин бўлган, 2005 йилда и/ч, д/р 10T377CA, “Нексия” р-ли ав-на. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси қилиб берилган кундан бошлаб 5 (беш) банк кунини ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12:00 да тўхтатилади. Савдолар “AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖнинг савдолар залда бўлиб ўтади. Талабдорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида катнашиш истагидagi талабдорлар тузиладиган зақалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлма-

“VIP REAL ESTATE” МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 5 март кунини соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибидa ўтказиладиган “Очиқ аукцион” савдосига Бўстонлиқ СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар тақдоран қўйилмоқда: 1. ФИБ Тошкент шаҳар Миробод туманларaro судининг 02.04.2015 йилдаги 1-933-5431/15-сонли ижро вақолатига асосан, бошланғич баҳоси 230 050 000 сўм бўлган, Тошкент виллоят, Бўстонлиқ тумани, Кўшқўрғон ҚФЙда жойлашган, 1078,01 кв. метрдан иборат “молнахона биноси”; 2. ЖИБ Тошкент виллоят Паркент туман судининг 05.05.2014 йилдаги 1-80-сонли ижро вақолатига асосан, бошланғич баҳоси 21 738 800 сўм бўлган, Тошкент виллоят, Бўстонлиқ тумани, Фазалкент шаҳри, Бирлик кўчаси, 7/5-уйда жойлашган, умумий майдони 31,10 кв. метр, яшаш майдони 17,40 кв. метрдан иборат 1 хонали тураржой. Савдога чиқарилган мулклар билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита хизматлар қабул қилиш мумкин. Аукцион савдоси қилиб берилган кундан бошлаб 5 (беш) банк кунини ичида мулк учун тўловларни амалга ошириш лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача

қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида катнашиш истагидagi талабдорлар тузиладиган зақалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган ҳолдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ “InfInBank” даги МФО 01041, ИИН 302681189, 2020800060205095001 хисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топшириш керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар вақолатли шахс катнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат улова қилинган ҳолда; зақалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар сўймдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунчилигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тўр кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz. Лицензия рақами RR-0178.

“REAL AUCTION” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади!

Аукцион савдосига: Тошкент виллоят Янгийул тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: 18.03.2014 й. 7717/20-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент виллоят Янгийул тумани ТИФ божхона пости назоратидagi божхона амборида сақланаётган: бошланғич баҳоси - 7 525 487 сўм, и/ч, ва дав/рак, номаълум бўлган “ГАЗ 322132 (микровавтобус)”, бошланғич баҳоси - 6 080 078,7 сўм, и/ч, ва дав/рак, номаълум бўлган. “ГАЗ 322132 (микровавтобус)”, бошланғич баҳоси - 6 719 773,5 сўм, и/ч, ва дав/рак, номаълум бўлган, “ГАЗ 322132 (микровавтобус)”, р-ли ав-на; 2. ЖИБ Тошкент виллоят Ангрэн шаҳар Суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент виллоят, Ангрэн шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 10.12.2010 й. 1049/10-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси - 4 814 950,80 сўм бўлган 1983 йилда и/ч, дав/рак, 11A6717, “Камаз 5320” русумли тижик носса; 2. 05.10.2012 й. 7559/12-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси - 1 092 851,47 сўм бўлган, 1980 йилда и/ч, дав/рак; 10T297CA, “ВАЗ-21011” русумли тижик носса; 3. 15.10.2012 й. 7983/12-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси - 854 488,12 сўм бўлган, 1985 йилда и/ч, дав/рак; Т8305ТШ, “УАЗ-469Б” русумли тижик носса автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда. Тошкент виллоят Урта Чирчиқ тумани Суд ижро-

“NEW ESTATE ACTION” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади!

Тошкент виллоят Зангиота тумани СИБ томонидан: Тошкент виллоят Ҳўжалик судининг 2015 йил 12 майдаги 11-1235/5501-сонли ижро вақолатига асосан, Тошкент виллоят, Зангиота тумани, Уртауло ҚФЙ, Фуркат кўчаси, 1-уй манзили бўйича жойлашган, умумий ер майдони 5,95 га, қурилиш майдони 15 478,78 кв.м., ҳовли 44 182,22 кв.м. бўлган “МТП” бино ва иншоотлари” савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 1 279 590,58 АҚШ доллари. Тўлов реализация қилиш кунидagi АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўзбекистон Республикаси Марказий Банки курси бўйича ўзбекистон Республикаси сўмида амалга оширилади. Аукцион савдоси 2016 йил 18 март кунини соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар қабул қилиш (соат 10:00 дан соат 16:00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 18 март кунини ўтказиладиган сав-

додарга 2016 йил 16 март соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабдорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида катнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини (зақалат пули тўлови, тўланадиган кунидagi АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўзбекистон Республикаси Марказий Банки курси бўйича ўзбекистон Республикаси сўмида амалга оширилади) тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “NEW ESTATE ACTION” МЧЖнинг ОАИТБ “Ипак йўли” Миробод филиалидаги қуйидаги хисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИИН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқобсарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

Паркент агросаноат ва сервис касб-хунар коллежи қошидаги Минтақавий касбий кўникмаларни ривожлантириш лойиҳаси қуйидаги ойлик курслар бўйича хоҳловчиларни ўқишга таклиф этилади:

1. Касб-хунар коллежлари раҳбарлари ва ўқитувчилари малакасини ошириш йўналиши бўйича:
1. Ходимларни бошқариш;
2. Ўқитиларнинг яқиний аттестациясини ташкил қилиш;
3. Ўқитишнинг янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари;
4. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш;
5. Ўқув меъёри ҳужжатларни тайёрлаш ва улар билан ишлаш.
- II. Вақтинча ишсиз фуқароларни касблар бўйича тай

